



ХЎЖАНД (193691 й. ларда Ленинобод) — шаҳар, Тоҷикистон Республикаси Сугд вилояти маркази.

Фаргона водийсининг гарбий кисмида, Туркистон тизмаси билан Мўғултоғ ўртасида, Сирдарё бўйида жойлашган. Т. й. станцияси. Душанба ш. гача 341 км. Аэропорт бор. Аҳолиси 147 минг кишидан зиёд (2001), асосан, тожиклар ва ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, украин, корейс, афгон, немис, киргиз, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди.

Х. Ўрта Осиёнинг энг кад. шаҳарларидан бўлиб, мил. ав. 1-минг йилликда вужудга келган. Археологик казишмалар натижасида шаҳар ҳудудидан мил. ав. 6—4-а. ларга оид тарихий ашёлар топилган. Мил. ав. 329 й. да шаҳарни Александр Македониялик эгаллаган. Тарихий маълумотлар бўйича шаҳар 7-а. нинг 2-ярмида Х. номи билан машҳур бўлган (Х. оркали Хитойдан Европага Буюк ипак йўли ўтган). 8-а. да араб халифалиги, 13-а. да мўғуллар империяси, 14—15-а. ларда Темурийлар, 16-а. да Шайбонийлар, сўнгра Қўқон хонлиги тасарруфида бўлган.

1866 й. нинг 24 майида шаҳарни подшо Россияси қўшинлари босиб одди. Х. 1924 й. да Ўрта Осиёда миллий давлат чегараланиши ўтказилгандан сўнг Ўзбекистон таркибига кирган, 1929 й. дан Тоҷикистон таркибига ўтказилган.

Ўтмишда Хўжандда кустарь ипакчилик ривожланган. Шаҳар савдо ва хунармандчилик маркази сифатида Буюк ипак йўлининг чоррахасида Ўрта Осиёни Хиндистон, Эрон, Якин Шарк, Хитой ва Ўрта денгиз хавзасидаги мамлакатлар билан боғлаб туришда муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шаҳардан ўнлаб тарихий шахслар, Темур Малик, мунажжим ва риёзиётшунос Абдумахмуди Хўжандий (10-а.), шоирлардан Махаста Хўжандий (12-а.), Камол Хўжандий (14-а.), Мухаммадаминхўжа Кошиф (1825 — 87), Абдулло Фаёз (1847—1934), Асирий; географ ва сайёҳ Хожи Юсуф Мирфаёзов (1842 — 1925), файласуф олим Мухаммад Осимий (1920—96) ва б. етишиб чиккан.

Х. — мамлакатнинг йирик иктисодий ва маданият маркази. Саноатининг асосий тармоклари — тўқимачилик, металлсозлик, озик-овқат саноатлари. Ипак кти, пойабзал, мебель фкалари, консерва ва гўшт, сут ктлари, ёғмой экстракт, пилла, пахта тозалаш, сирли идишлар, автотаъмирлаш ва б. заводлар, қурилиш материаллари, шиша и. ч.,

матбаа корхоналари, мебелсозлик фкалари, «Панжшанбе» бозори фаолият кўрсатади. 20 дан зиёд умумий таълим мактаби, 5 олий ўқув юрти, Тожикистон ФАнинг, Республика ёзувчилар уюшмасининг бўлимлари, 10 дан зиёд ўрта махсус билим юрти, касб-хунар билим юртлари, маданият саройи, мусикали драма ва халк театрлари, ўлкашунослик музейи, маданият ва истирохат боги, Тошхўжа Асирий номидаги вилоят кутубхонаси, Тожикистон ФАнинг Ботаника боги, меҳмонхоналар мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан Шайх Муслихиддин макбараси (14-а.), шаҳар калъаси (Ўрда колдиклари, 7—8-а. лар) сақланган.

Насриддин Маманазаров.